

Collins Dictionary 2023 йил сўзини эълон қилди



17:13 / 01.11.2023 991

Британиянинг Collins Dictionary инглиз луғати - AI (ингл. artificial intelligence) қисқартма сўзини 2023 йил сўзи деб эълон қилди. Бу қисқартма «сунъий интеллект» (яъни, инсон мияси функцияларини компьютер орқали моделлаштириш, симуляция қилиш)ни англатади.

Луғат тузувчилари сўнгги пайтларда сунъий интеллект жадал ривожланаётгани ва жамият ҳаётига тобора кўпроқ кириб бораётганини, жумладан, 2022 йил охиридан бошлаб одамларнинг жонли мулоқотига тақлид қилувчи neural network - нейрон тармоқлар оммалашиб бораётганини ҳамда сунъий интеллект технология соҳаси келажагида инқилоб ясагани ҳақида 2023 йил кўп гапирилганини баён қилди.

Йил сўзи Collins Corpus томонидан 20 миллиард сўздан ортиқ ҳажмдаги материалларини таҳлил қилиш натижасида танланди. Бунда йил давомида дунё бўйлаб оммавий ахборот воситаларида, китобларда ва веб-сайтларда эълон қилинган матнлар, шунингдек, радио ва телевидение орқали эфирга узатилган ва жонли нутқдаги иқтибос ва эслатмалар ҳисобга олинди.

Сунъий интеллект — информатиканинг алоҳида соҳаси бўлиб, одатда инсон онги билан боғлиқ имкониятлар: тилни тушуниш, ўргатиш, муҳокама қилиш, масалани ечиш, таржима ва шу каби имкониятларга эга компьютер тизимларини яратиш билан шуғулланади. Бугунги кунда айрим давлатларда робот-ҳамширалар, ҳайдовчисиз транспорт воситалари,

буюртмани етказиб берувчи дронлар хизматидан фойдаланиш йўлга қўйилган. Ҳатто полиция ходимларининг баъзи вазифаларини ҳам махсус роботлар бажаришяпти. Олимлар уларнинг ташқи кўринишини имкон қадар одамларникига ўхшатишга уринишмоқда.

Бобур Аҳмад